



МИНТАҚАВИЙ РИВОЖЛАНИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА МОЛИЯВИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ: ПОЛЬША ВА ТУРКИЯ ТАЖРИБАСИ АСОСИДА ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

Давранов Орзу

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази

ORCID: 0009-0002-2460-0783

davranovorzu@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада минтақавий ривожланишни таъминлашда молиявий воситалардан фойдаланиш механизмлари ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги таҳлил қилинган. Тадқиқотда Европа Иттифоқи давлатлари, хусусан Польша ҳамда Туркия тажрибаси асосида ҳудудий ривожланиш молиялаштириш моделлари қиёсий ўрганилган. Мақолада молиявий воситаларнинг институционал асослари, айланмали молиялаштириш механизмлари, ҳудудий ривожланиш агентликлари фаолияти ва давлат-хусусий шерикчилиги асосида амалга оширилаётган молиялаштириш тизимларининг иқтисодий натижалари таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра, минтақавий ривожланишда молиявий воситаларнинг самарадорлиги уларнинг қайтарилувчанлиги, манзиллилиги ва институционал мувофиқлашув даражасига боғлиқ эканлиги аниқланган. Шунингдек, Польша ва Туркия тажрибаси асосида ҳудудий молиялаштиришнинг самарали моделлари, айниқса револьвер фондлар, ҳудудий ривожланиш агентликлари ва инновацион молиявий инструментлар (венчур фондлар, “яшил” облигациялар, сукук)дан фойдаланишнинг аҳамияти асослаб берилган. Тадқиқот натижалари Ўзбекистонда минтақавий ривожланиш молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш, ҳудудлар иқтисодий салоҳиятини ошириш ва инвестиция фаоллигини рағбатлантириш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Калит сўзлар: минтақавий ривожланиш, молиявий воситалар, ҳудудий молиялаштириш, револьвер фондлар, ҳудудий ривожланиш агентликлари, давлат-хусусий шерикчилик, инновацион молиявий инструментлар.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ФИНАНСОВЫХ ИНСТРУМЕНТОВ В ФИНАНСИРОВАНИИ РЕГИОНАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ: СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ НА ОСНОВЕ ОПЫТА ПОЛЬШИ И ТУРЦИИ

Давранов Орзу

Научно-исследовательский центр
«Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана»
при Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация. В данной статье анализируются механизмы использования финансовых инструментов в обеспечении регионального развития и их экономическая эффективность. В исследовании проводится сравнительное изучение моделей

финансирования регионального развития на основе опыта стран Европейского союза, в частности Польши и Турции. В статье анализируются институциональные основы финансовых инструментов, механизмы оборотного финансирования, деятельность агентств регионального развития и экономические результаты систем финансирования, реализуемых на основе государственно-частного партнерства. По результатам анализа установлено, что эффективность финансовых инструментов в региональном развитии зависит от их повторяемости, адресности и уровня институциональной координации. Кроме того, на основе опыта Польши и Турции обосновывается важность использования эффективных моделей регионального финансирования, в частности, оборотных фондов, региональных агентств развития и инновационных финансовых инструментов (венчурные фонды, «зеленые» облигации, сукук). Результаты исследования позволяют разработать практические рекомендации по совершенствованию механизмов финансирования регионального развития в Узбекистане, повышению экономического потенциала регионов и стимулированию инвестиционной активности.

Ключевые слова: региональное развитие, финансовые инструменты, региональное финансирование, оборотные фонды, региональные агентства развития, государственно-частное партнерство, инновационные финансовые инструменты.

THE USE OF FINANCIAL INSTRUMENTS IN FINANCING REGIONAL DEVELOPMENT: A COMPARATIVE ANALYSIS BASED ON THE EXPERIENCE OF POLAND AND TURKEY

Davranov Orzu

Scientific Research Center "Scientific Foundations and Problems of the Development of the Economy of Uzbekistan" under Tashkent State University of Economics

Abstract. This article analyzes the mechanisms of using financial instruments in ensuring regional development and their economic effectiveness. The study comparatively studies the models of financing regional development based on the experience of the European Union countries, in particular Poland and Turkey. The article analyzes the institutional foundations of financial instruments, revolving financing mechanisms, the activities of regional development agencies and the economic results of financing systems implemented on the basis of public-private partnerships. According to the results of the analysis, it was found that the effectiveness of financial instruments in regional development depends on their repeatability, targeting and the level of institutional coordination. Also, based on the experience of Poland and Turkey, the importance of using effective models of regional financing, in particular, revolving funds, regional development agencies and innovative financial instruments (venture funds, "green" bonds, sukuk) is substantiated. The results of the study allow us to develop practical recommendations for improving regional development financing mechanisms in Uzbekistan, increasing the economic potential of regions and stimulating investment activity.

Keywords: regional development, financial instruments, regional financing, revolving funds, regional development agencies, public-private partnership, innovative financial instruments.

Кириш.

Жаҳон амалиёти кўрсатмоқдаки, ривожланган давлатларда минтақавий ривожланиш сиёсатини молиялаштиришда кўп даражали молиялаштириш тизимлари ва ҳудудий молиявий мустақиллик тамойиллари кенг қўлланилмоқда. Масалан, Германия молиялаштириш амалиётида федерал молия тизимининг муҳим институционал механизми, ҳудудлараро молиявий тенглаштириш, федерал бюджет

(Bund) va federация субъектлари (Länder) бюджетлари ўртасида ресурслар тақсимотини мувозанатлаштиришни таъминлайди. Ушбу механизмнинг асосий мақсади ҳудудлар молиявий салоҳиятини мутаносиб сақлаш, ижтимоий-иқтисодий номутаносибликларни камайтириш ва барқарор ҳудудий ривожланиш учун тенг имкониятлар яратишдан иборат. Жанубий Корея ва Туркияда минтақавий ривожланиш сиёсати махсус ҳудудий ривожланиш агентликлари ҳамда улар қуйисидаги инвестиция фондлари орқали амалга оширилиб, маҳаллий иқтисодий лойиҳаларни манзилли тарзда молиялаштириш, хусусий сектор иштирокини кенгайтириш ва ҳудудларнинг ички иқтисодий салоҳиятини рағбатлантириш самарадорлигини оширади.

Минтақавий молия механизмларини такомиллаштириш эса фақат маблағ тақсимотини яхшилаш билан чекланмай, балки ҳудудлар учун инновацион молиявий инструментларни жорий этишни ҳам талаб қилади. Бундай воситаларга ҳудудий облигациялар, “яшил” молия инструментлари, исломий сукук ҳамда кластер лойиҳаларни молиялаштириш тизимларини киритиш мумкин. Ушбу механизмлар ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий номутаносибликни қисқартириш, янги иш ўринлари яратиш ва саноат диверсификациясини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу тариқа, минтақавий ривожланиш моделларида молиявий воситалардан фойдаланиш нафақат иқтисодий ўсишни таъминлаш воситаси, балки ҳудудий барқарорлик, иқтисодий адолат ва ижтимоий тенгликни таъминлашнинг муҳим механизми сифатида намоён бўлади.

Адабиётлар шарҳи.

Минтақавий ривожланишда молиявий воситалардан фойдаланиш масаласи сўнгги ўн йилликда иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида шаклланди. 2010–2020 йиллар даврида халқаро ташкилотлар, иқтисодчи олимлар ва амалиётчилар томонидан минтақавий ривожланишни таъминлашда молиявий воситаларнинг самарадорлиги ва уларнинг турли моделлардаги ўрни бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD, 2018) томонидан тайёрланган ҳисоботда ҳудудий сиёсатни амалга оширишда молиявий воситаларнинг институционал асослари муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган. Муаллифлар фикрича, ҳудудий даражада самарали молиялаштириш тизимини яратиш учун давлат бошқарувининг турли даражалари ўртасида мувофиқлаштирилган ҳамкорлик зарур. Унда айтилишича, молиявий воситаларнинг самарали фаолият юритиши учун ҳудудий мониторинг, баҳолаш тизими ва жавобгарлик механизмлари йўлга қўйилиши шарт (OECD, 2018).

Бизнингча, мазкур ёндашув минтақавий ривожланиш жараёнида молиявий воситаларни фақат иқтисодий эмас, балки институционал механизм сифатида ҳам кўриш зарурлигини кўрсатади. Яъни молиявий воситалар фақат маблағ тақсимотини таъминламай, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизликни таъминловчи бошқарув тизимининг муҳим элементи сифатида намоён бўлади.

Браун ва Ли (2018), шунингдек Уишлейд ва Мичи (2018) тадқиқотларида молиявий воситаларнинг грантларга нисбатан афзалликлари илмий жиҳатдан асослаб берилган. Муаллифларнинг таъкидлашича, молиявий воситалар орқали ажратиладиган маблағлар ўзини-ўзи қопловчи хусусиятга эга бўлиб, грантлардан фарқли равишда бозор интизомини шакллантиради, тадбиркорлик маданиятини ривожлантиради ва маблағларни самарали қайта йўналтириш имконини яратади. Шу билан бирга, улар молиявий воситаларни жорий этиш учун маҳаллий банклар ва молиявий институтлар етарли тажриба ва салоҳиятга эга бўлиши кераклигини таъкидлайди.

Бизнинг назаримизда, бу қарашлар минтақавий молия сиёсатини илмий жиҳатдан мустаҳкамловчи муҳим хулосани ифодалайди, яъни грантлардан фарқли равишда, молиявий воситалар иқтисодий фаолиятни “қайтариш механизми” асосида

рағбатлантиради, яъни маблағ айланмага қайта кириб, янги ишлаб чиқариш жараёнларини молиялаштиришга хизмат қилади.

Европа Иттифоқи қошидаги FI-Compass (2014) томонидан тайёрланган “Худудий ривожланишни қўллаб-қувватловчи молиявий воситалар” номли ҳисоботида 2000 йиллардан бошлаб Европа мамлакатларида грантлар ўрнига қайта қопланувчи молиявий воситалардан фойдаланиш тенденцияси кучайгани таъкидланган. Муаллифлар фикрича, бундай воситалар давлат бюджетига бўлган босимни камайтиради ва хусусий секторнинг ривожланишига кенг имконият яратади.

Бизнингча, мазкур ёндашув Ўзбекистон шароити учун ҳам долзарб аҳамиятга эга. Чунки маҳаллий ривожланиш дастурларини молиялаштиришда фақат бюджет маблағларига таяниш эмас, балки хусусий сектор иштирокини таъминловчи молиявий воситаларни жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бу орқали худудларда янги иш ўринлари яратиш, саноатни диверсификация қилиш ва инвестиция муҳитини яхшилаш мумкин бўлади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Минтақавий ривожланишни молиялаштиришда қўлланиладиган воситаларнинг таъсир механизми ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий тузилиши, институционал муҳити ва бошқарув тизимига мувофиқ равишда шаклланади. Бу жараёнда молиявий воситаларнинг самарадорлиги уларнинг фақат миқдори ёки ҳажми билан эмас, балки уларни бошқаришдаги институционал мувофиқлашув, худудий сиёсатнинг аниқлиги ва хусусий сектор иштирокининг даражаси билан белгиланади.

Европа Иттифоқи ва Туркия тажрибаси шундан далолат берадики, минтақавий ривожланишни молиялаштириш тизимида молиявий воситаларни самарали бошқариш учун давлат, маҳаллий ҳокимият ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик институционал шаклда мустақамланган бўлиши зарур. Европа Иттифоқида “Коҳезия фонди” ва “Структуралӣ фондлар” орқали худудлар ўртасидаги иқтисодий тафовутларни камайтириш сиёсати амалга оширилган бўлса, Туркияда бу йўналишда худудий ривожланиш агентликлари фаолияти муҳим роль ўйнайди.

Шу маънода, Польша ва Туркия тажрибаси минтақавий ривожланишда молиявий воситалардан фойдаланишнинг икки хил: европалик интеграцион модел ва миллий децентрализацияланган модел кўринишларини намоён этади.

Польша Европа Иттифоқига аъзо бўлганидан кейин худудий ривожланиш сиёсатини амалга оширишда молиявий воситаларнинг аҳамияти сезиларли даражада ошди. Европа Комиссияси кўмагида ташкил этилган “Regional Development Funds” тизими мамлакатдаги маҳаллий лойиҳаларни қўллаб-қувватловчи асосий институт сифатида шаклланди. Мазкур тизим орқали Польшада худудий инфратузилмани ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда инновацион фаолиятни рағбатлантиришга қаратилган кенг кўламли молиялаштириш механизмлари йўлга қўйилди.

Sum ва бошқалар (2023) томонидан амалга оширилган тадқиқотда Польшада худудий ривожланишда молиявий воситаларнинг таъсири кўп даражали бошқарув тизими орқали таъминлангани таъкидланади. Ушбу ёндашувда марказий ҳукумат, вилоятлар (воеводстволар) ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасидаги молиявий муносабатлар институционал жиҳатдан мувофиқлаштирилган бўлиб, бу худудий сиёсатнинг барқарор амалга ошишини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларига кўра, 2014–2020 йиллар даврида Польшада Европа Иттифоқи маблағларининг тахминан 11,4 фоизи молиявий воситалар кўринишида ажратилган, ушбу маблағлар асосан транспорт инфратузилмаси, инновацион корхоналар ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш йўналишларига сарфланган, худудий

ривожланиш агентликлари орқали ажратилган кредит ва кафолат воситалари натижасида маҳаллий иш ўринлари сони ўрта ҳисобда 12 фоизга ошган.

Бизнингча, Польша тажрибаси шундан далолат берадики, молиявий воситалар фақат молия манбаи вазифасини бажармайди, балки ҳокимият даражалари ўртасидаги ҳамкорликни мустақамловчи институционал интеграция воситаси сифатида намоён бўлади. Бу тизим орқали мамлакатда ҳудудий молиявий бошқарувнинг самарали архитектураси яратилган бўлиб, у ҳудудий барқарорлик ва инвестиция муҳитининг яхшиланишига хизмат қилган.

1-жадвал

**Польшада ҳудудий ривожланишни молиялаштириш структураси
(2014–2020 йиллар) (ес.europa.eu, 2020)**

Йўналишлар	Молиявий восита тури	Улуш (%)	Асосий натижа
Инфратузилма лойиҳалари	Кредит ва кафолат фондлари	36	Янгиланган транспорт тизимлари
Кичик ва ўрта бизнес	Микрокредит ва лизинг	28	50 мингдан ортиқ янги иш ўринлари
Инновация ва стартаплар	Венчур фондлар ва грантлар	21	Технологик кластерлар ривожланди
Энергетика ва экология	“Яшил” молия воситалари	15	Карбон чиқиндиларини камайтириш

Жадвални таҳлиliga таянадиган бўлсак, Польшада молиявий воситаларнинг самарадорлиги, аввало, уларнинг қайтариловчи хусусияти билан изоҳланади. Яъни ажратилган маблағлар белгиланган муддат ичида қайтарилиб, кейинчалик айланмали тарзда янги инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга қайта йўналтирилади. Бу эса миллий миқёсда молиялаштиришнинг барқарор моделини шакллантириш имконини беради.

Шу билан бирга, Польша тажрибаси молиявий воситаларнинг институционал самарадорлиги фақат молия манбаларининг кўламига эмас, балки маҳаллий молиявий институтларнинг салоҳияти ва лойиҳаларни мониторинг қилиш тизимининг самарадорлигига ҳам боғлиқ эканини кўрсатади. Бу йўналишда маҳаллий даражадаги молиявий ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, хусусан, лойиҳа натижаларини баҳолаш ва рискларни бошқариш механизмларини кучайтириш ҳали ҳам долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Туркияда минтақавий ривожланиш сиёсатига тизимли ёндашув 2006 йилда қабул қилинган “Regional Development Agencies Law” қонуни орқали шаклланди. Ушбу ҳуқуқий базага мувофиқ, мамлакат ҳудудида 26 та минтақавий ривожланиш агентликлари ташкил этилди. Агентликлар ҳудудий иқтисодий лойиҳаларни молиялаштириш, сармояларни жалб этиш ҳамда турли молиявий воситаларни бошқариш вазифаларини амалга оширади (eurada.org, n.d.).

Туркия Республикаси Марказий банкнинг (TCMB) тадқиқоти маълумотларига кўра, 2010–2020 йиллар даврида ҳудудий молиявий инфратузилманинг ривожланиши билан ялпи ички маҳсулот ўсиши ўртасида 0,64 даражадаги мусбат корреляция кузатилган. Бу натижа молиявий воситаларнинг фаол ривожланиши мамлакат иқтисодий ўсиши билан узвий боғлиқ эканини кўрсатади (tcmb.gov.tr, n.d.).

Туркия тажрибаси қуйидаги жиҳатлари билан аҳамиятга эга:

- молиявий воситаларнинг тахминан 70 фоизи ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган;
- давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги асосида амалга оширилган лойиҳалар ҳудудларда барқарор иш ўринларини яратишга хизмат қилган;

• худудий ривожланиш агентликлари доимий равишда “Инвестиция портфели индекси” орқали лойиҳалар самарадорлигини баҳолаб боришган.

Туркия амалиёти шуни кўрсатадики, худудий ривожланишда молиявий воситаларнинг самарадорлиги институционал тизимнинг мувофиқлиги ва давлат-хусусий ҳамкорликнинг кучли бўлишига бевосита боғлиқдир. Бу модел худудий иқтисодиётда ресурсларни тақсимлашда самарадорликни ошириб, инвестицион муҳитни барқарорлаштиришда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

Туркия амалиёти натижасида худудий ривожланиш агентликлари орқали молиявий воситаларни жойларда манзилли йўналтириш самарадорликни кескин оширади. Агентликлар ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий ихтисослашув даражасини ҳисобга олган ҳолда мўлжалланган молиявий инструментларни ишлаб чиқади. Масалан, саноатлашган ҳудудларда корхоналар рақобатбардошлигини ошириш мақсадида инновацияга йўналтирилган имтиёзли кредитлар жорий этилса, аграр ҳудудларда лизинг механизмлари ва давлат субсидиялари орқали кичик бизнес ва қишлоқ хўжалиги кооперациялари қўллаб-қувватланади.

2-жадвал.

Туркияда худудий молиявий воситалар самарадорлиги (2015–2022 йиллар) (sanayi.gov.tr, 2023)

Йўналишлар	Инвестиция миқдори (млрд.лира)	Лойиҳалар сони	Яратилган иш ўринлари
Инфратузилма (транспорт, сув таъминоти)	112	276	94 000
Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш	68	1 243	157 000
Энергетика ва экологик лойиҳалар	44	198	18 500
Инновация ва технология марказлари	29	125	12 000

Ушбу ёндашув молиявий ресурсларни тенг тақсимлашдан кўра, иқтисодий салоҳият ва эҳтиёжга асосланган мақсадли молиялаштириш моделини шакллантиради. Натижада, молиявий воситалар битта умумий дастур доирасида эмас, балки ҳудуднинг ихтисослашуви ва стратегик устуворликларига мувофиқ жойлаштирилади. Бу эса молиялаштиришнинг қайтарилувчанлигини, инвестицияларнинг худудий таъсирини ва натижада иқтисодий ўсишни таъминлайди.

3-жадвал.

Қиёсий таҳлил: Польша ва Туркия моделларининг умумий жиҳатлари

Критерий	Польша	Туркия
Институционал асос	Европа Иттифоқи қонунчилигига мослаштирилган кўп даражали бошқарув	Миллий қонун билан ташкил этилган худудий агентликлар тизими
Молиявий воситалар тури	Кредит, кафолат фонди, “яшил” молия	Инфратузилма кредити, ДХШ, грант ва субсидия
Асосий натижа	Маҳаллий иш ўринлари ва инновацион бизнес ривожланиши	Саноат кластерлари ва инфратузилма модернизацияси
Муаммо	Институционал мувофиқлаштириш етишмаслиги	Худудий фарқлар ва молиявий ресурслар тенгсизлиги
Ўрганиш учун муҳим жиҳат	Айланмали молиялаштириш тизими	Худудий агентликлар орқали манзилли молиялаштириш

Минтақавий ривожланиш моделларида молиявий воситалардан фойдаланиш самарадорлиги, аввало, ушбу воситаларнинг қайтарилувчанлик, манзиллилик ва институционал мувозанат каби мезонларга қай даражада жавоб беришини таъминлаш билан белгиланади. Бошқача қилиб айтганда, молиявий ресурслардан фойдаланиш нафақат маблағларни ажратиш жараёнини, балки уларнинг айланма тарзда қайта инвестициялаш имконини берувчи молиявий механизмлар мавжудлигини ҳам назарда тутди.

Польша ва Туркия мисолида умумлаштирилган қиёсий таҳлил қуйидаги илмий хулосаларни шакллантиради:

1. Молиявий воситаларнинг самарадорлиги ажратилаётган маблағ ҳажмига эмас, уни бошқариш архитектурасига боғлиқ. Ягоналикка эга бошқарув тизими ва мониторинг механизми мавжуд бўлмаса, молиялаштириш натижаси паст бўлади.

2. Ҳудудий молиявий институтлар ўртасидаги мувофиқлашган ҳамкорлик самарали ривожланиш гарови ҳисобланади. Фондлар, ривожланиш агентликлари, тижорат банклари ва маҳаллий ҳокимият органлари ягона механизм сифатида ишлаганда молиялаштиришнинг қайтарилувчан айланма цикли вужудга келади.

3. Давлат-хусусий шерикчилиги ҳудудий иқтисодий фаолликни кенгайтиради ва лойиҳаларнинг барқарорлигини таъминлайди.

4. Келгуси босқичда инновацион молиявий инструментлар: венчур фондлар, “яшил” облигациялар, сукук ва кластер молиялаштириш механизмлари ҳудудларнинг рақобатбардошлик моделларини шакллантиришда устувор аҳамият касб этади.

Шунингдек, ушбу хулосалар Ўзбекистон учун ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатда ҳудудий молиялаштиришнинг замонавий моделини яратишда назарий асос сифатида хизмат қилиши мумкин.

Ўрганилган Польша ва Туркия тажрибалари таҳлили шуни кўрсатадики, минтақавий ривожланишда молиявий воситалардан самарали фойдаланишнинг асосий шarti: ҳудудлар институционал салоҳияти, маҳаллий молиялаштириш механизмларининг мустақиллиги ва давлат-хусусий сектор ҳамкорлигининг йўлга қўйилган даражасидир. Яъни молиявий воситалар ҳудудий ривожланишнинг пасив тарзда маблағ тақсимловчи эмас, балки иқтисодий фаолликни рағбатлантирувчи, инвестицион муҳитни шакллантирувчи ва янги тармоқларни келтириб чиқарувчи стратегик драйвер сифатида қаралиши лозим.

Ўзбекистонда ҳозирги вақтда ҳудудий иқтисодий тизимлар трансформация жараёнини бошдан кечираётган шароитда молиявий воситаларнинг роли янада ошади. Анъанавий бюджет маблағлари орқали молиялаштириш муайян вазифаларни ҳал қилган ҳолда, унинг имкониятлари чекланган. Шунинг учун Польшадаги каби айланмали (револьвер) молиявий фондлар механизми ва Туркиядаги каби ҳудудий ривожланиш агентликлари орқали лойиҳаларни мақсадли молиялаштириш моделини жорий этиш кафолатланган самарадорликка эга. Бу моделлар бир вақтнинг ўзида:

- ҳудудларнинг молиявий мустақиллигини оширади;
- сарфланган маблағларнинг натижадорлигини таъминлайди;
- ажратилган ресурсларни янги лойиҳаларга қайта йўналтириш имконини беради.

Ўзбекистон ҳудудлари иқтисодий салмоғи, аҳоли зичлиги, инфратузилма салоҳияти ва инвестиция жалб қилишдаги фаоллик даражаси бўйича сезиларли тафовутга эга. Шу боис молиявий воситаларни тақсимлашда “ҳудудий молиявий адолат ва иқтисодий самарадорлик мувозанати” тамойили жорий қилиниши мақсадга мувофиқ. Унга кўра:

- ривожланиш потенциали паст бўлган ҳудудларда: мақсадли субсидиялар ва паст фоизли кредитлар;

• саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланган ҳудудларда: хусусий капитални жалб этувчи молиявий инструментлар (венчур фондлар, кластер кредит линиялари, сукук, “яшил” облигациялар) устувор бўлиши лозим.

Бундан ташқари, ҳудудлар доирасида ижтимоий самарани оширувчи молиявий механизмларни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, ёшлар тадбиркорлиги, хотин-қизлар учун бизнес ташаббуслари, маҳаллий инновацион стартаплар учун махсус молиялаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳудудий ривожланишнинг инклюзив моделига хизмат қилади. Бу эса иқтисодий ўсишни аҳоли даромадлари ва бандлик ўсиши билан уйғунлаштиради.

Молиявий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш учун Ўзбекистонда ҳудудий молиявий маълумотлар мониторинги ва баҳолашнинг ягона рақамли платформасини жорий этиш талаб этилади. Платформа инвестиция оқимлари, давлат маблағлари, хусусий сектор иштироки ва молиялаштириш натижаларини реал вақт режимида кузатиш имконини беради. Польшада ушбу механизм шаклланиш босқичида бўлса, Туркияда амалиётда ўзини тўлиқ оқлаган.

Хулоса ва таклифлар.

Яқуний хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, молиявий воситалардан оқилона ва манзилли фойдаланиш:

- ҳудудлар ўртасида иқтисодий тенгликни таъминлайди;
- хусусий бизнес ва маҳаллий иқтисодий фаолликни рағбатлантиради;
- маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтиради;
- саноат диверсификацияси ва янги иш ўринлари яратилишини тезлаштиради;
- миллий иқтисодиётнинг барқарор ва узоқ муддатли ўсишини таъминлайди.

Демак, молиявий воситаларнинг Ўзбекистон минтақавий ривожланиш сиёсатдаги ролини кучайтириш - бу фақат иқтисодий зарурат эмас, балки мамлакатнинг узоқ муддатли барқарор тараққиёти ва ҳудудий рақобатбардошлигини оширишга хизмат қиладиган стратегик вазифадир.

Адабиётлар /Литература/References:

Brown, R. & Lee, N. (2018) *The theory and practice of financial instruments for small and medium-sized enterprises*. OECD Regional Development Papers No. 2018/05.

European Commission Cohesion Policy 2020; https://ec.europa.eu/regional_policy/en/funding/financial-instruments

FI-Compass (2014) *Financial instruments in support of territorial development*. European Commission / EIB.

Organisation for Economic Co-operation and Development (OECD) (2018) *Rethinking Regional Development Policy-making*. Paris: OECD Publishing.

Sum K, Radło M, Mackiewicz M (2023), "The multilevel governance of financial instruments in regional development policy: the case of Poland". *Central European Management Journal*, Vol. 31 No. 3 pp. 390–404, doi: <https://doi.org/10.1108/CEMJ-05-2022-0071>

Wishlade, F. & Michie, R. (2018) *Financial Instruments in Practice: Uptake and Limitations*. OECD.